**International Conference on Artificial Intelligence and the Future of Inclusive Education**
*12nd of March, 2025*
*ISBN Number : 978-81-977564-4-3*
*https://www.papers.online-conferences.com/index.php/titfl*

# ГЛОБАЛ ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зиё Ш.А.
ТДИУ тадқиқотчиси

Глобал молиявий хизматлар бозорида исломий молиявий хизматларнинг барқарор даражада ривожланиш тенденциялари кузатилиб келиши билан биргликда, нафақат ислом мамлакатлари балки, ғарб маданияти амал қилувчи тараққий этган мамлакатлар ҳам сўнгги йилларда айнан исломий молиявий хизматлар, жумладан, ислом банкчилигини миллий иқтисодиётларида ривожлантиришга бўлган қизиқишларининг ортиши сабабли, кейинги йилларда ҳам исломий молиявий муносабатлар тизимининг глобал даражадаги барқарор ривожланиш тенденцияларига эришилиши кутилмоқда.

Иқтисодий адабиётда М.А. Тибий томонидан глобал молиявий хизматлар бозорида исломий молиявий муносабатларнинг ривожланиш босқичлари Ислом тараққиёт банкининг ташкил этилган давридан бошлаб ташкил этилиш, кенг тарқалиш, халқаро тан олиниш ва янги истиқболлар каби тўрт ривожлниш босқичига ажратган ҳолда таҳлил қилинган. Унга кўра, глобал исломий молиялаштириш амалиётининг ривожланиш босқичлари учун хос бўлган хусусиятлар қуйидаги тартибга изоҳланади:[1]

- биринчи босқич –ташкил этилиш даври ҳисобланиб, ушбу босқичда банк фаолиятига исломий тамойилларни жорий этиш асосида молиявий хизматлар кўрсатиш амалиётининг илмий-концептуал асослари шакллантирилган бўлиб, уни қуйидаги икки даврга ажратган ҳолда таҳлил қилинган:

1950-1959 йиллар – мазкур даврда исломшунос олимлар ва иқтисодчилар анъанавий ҳисобланган банкчилик муносабатларининг муқобили ҳисобланган исломий банкчилик амалиёти ва исломий молия тизимининг “Музораба” қўшалоқ концепциясини ишлаб чиқишди.

1960-1969 йиллар – мазкур даврда исломий молиялаштириш механизмининг тамойиллари шарий тартий-таомилларга асосланган ҳолда молиявий муносабатларда фойдаланила бошланди. Бунинг натижаасида Исломий молиявий муссасалар фаолияти соддалаштирилди. 1963 йилда Малайзияда “Лембага Табун Ҳаж” ташкил этилди, “Мит Ғамр” жамғарма банки фаолияти йўлга қўйилди ва 1967 йилга келиб жамғарма банк фаолияти, тугатилди;

- иккинчи босқич кенг тарқалиш босқичи бўлиб, мазкур босқич қуйидаги уч даврга ажратилган ҳолда таҳлил этилган:[2]

биринчи, 1970-1979 йиллар – мазкур даврда исломий банк ва исломий нобанк ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Исломий молиялаштириш амалиётини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот муассасалари фаолияти ташкил этилиб, ривожлантирилди. “Музораба” асосидаги исломий молиялаштириш механизми илмий, амалий ва ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан ўз тасдиғини топди. Жидда шаҳрида Исломий иқтисодий илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ислом банкчилиги бўйича лизинг, музораба, фойда ва зарарларни тақсимлаш каби масалаларга бағишланган илмий адабиётлар, услубий қўлланмалар нашр этила бошланди. 1975 йилда Дубай исломий банки ва Ислом тараққиёт банки фаолияти йўлга қўйилди. 1976 йилда Макка шаҳрида илк бор

[1] Tiby M.A. Islamic Banking: How to Manage Risk and Improve profitability / M.A. Tiby – J. Wiley & Sons – 2010. – 240 p.
[2] Ўша манба

Халқаро исломий иқтисодий конференция ташкил этилди. 1979 йилга келиб, Судан ва БАА мамлакатларида биринчи исломий суғурталаш компаниялари ташкил этилди.

иккинчи, 1980-1989 йиллар – мазкур даврда Исломий банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқила бошланди. Исломий молиялаштириш механизмига асосланган хусусий банклар фаолияти йўлга қўйилди. Тараққий этган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия ва Швейцрия каби мамлакатлар молиявий хизматлар бозорига турли исломий банкчилик маҳсулотлари кириб бориши натижасида аксарият ғарб мамлакатлари иқтисодчи олимлари ва молиявий ташкилотлари етакчи экспертларининг исломий молиялаштириш механизми амалиётига бўлган қизиқиши ортди. Анъанавий банклар фаолиятида Исломий "Дарча"лар орқали ислом банкчилиги маҳсулотлари таклифи йўлга қўйилди. Покистон, Судан, Эрон, Малайзия каби мамлакатлар банкчилиги тизимига исломий молиялаштириш механизмини жорий этишга устуворлик қаратдилар. Халқаро валюта жамғармаси томонидан исломий банкчилик бўйича ҳисоботлар ва хужжатлар тайёрлана бошланди. Глобал даражада исломий ишонч жамғармалари фаолияти ривожланди.

учинчи, 1990-1999 йиллар – мазкур давр мобайнида Исломий молиявий ташкилот ва муассасалар учун Халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкилотига асос солинди. 1990 йилда Малайзия мамлакатида биринчи "Shell MDS Sdn" сукук компанияси ташкил этилди. 1999 йилга келиб, Бахрайн мамлакатида Доу Жонс исломий индекси (Dow Jones Islamic Index) ўрнатилди.

- учинчи босқич халқаро тан олиниш босқичи бўлиб, мазкур босқич 2000-2009 йилларни ўз ичига қамраб олади ва у учун қуйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:[3]

исломий молияни амалга ошириш усуллари, унинг амал қилиш механизми, тамойиллари тўлиқ ишлаб чиқилиб, ўз якунига етди;

исломий банкчилик муносабатларида корпоратив назорат ва рискларни бошқариш амалиётига устуворлик қаратилди;

исломий банкларнинг ўзаро интеграциялашуви ҳисобига уларнинг капитализациялашув даражаси ортди;

исломий молиявий маҳсулотлар таркибида активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар бозори ташкил этилди;

2002 йилда Малайзия мамлакатида Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш таъсис этилди;

2004 йилда Буюк Британиянинг Молиявий назорат агентлиги томонидан Британия Исломий банки фаолиятини ташкил этишга рухсат берилди;

2005 йилда Бахрайн мамлакатида Халқаро исломий рейтинг агентлиги ташкил этилди. Шу билан биргаликда, Ликвидликни бошқариш маркази ва Халқаро исломий молия бозори фаолияти йўлга қўйилди;

2006 йилда АҚШнинг "East Cameron Gas Company" хўжалик субъекти томонидан биринчи қарздорлик бўйича сукук чиқарилди ва ҳ.к.

- глобал исломий молиявий хизматлар бозорини ривожланишининг сўнгги тўртинчи босқичи 2009 йилдан то бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, мазкур давр учун қуйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:[4]

глобал банкчилик муносабатларида анъанавий банклар активлари ҳажмига нисбатан исломий банклар активлари ҳажми барқарор ўсиш суръатига эга бўлди;

2010 йилда Германия мамлакатида биринчи "Kuveyt Turk Participation Bank" исломий банки ташкил этилди;

2011 йилда "Thomson Reuters" ташкилоти томонидан исломий банклараро илк ставка (бенчмарк) ўрнатилди;

2012 йилда Саудия Арабистони билан Туркия мамлакатлари ўзларининг илк сукукларини тақдим этдилар;

[3] Tiby M.A. Islamic Banking: How to Manage Risk and Improve profitability / M.A. Tiby – J. Wiley & Sons – 2010. – 240 p.
[4] Ўша манба

ISBN Number : 978-81-977564-4-3


2013 йилда Жанубий Африка Республикаси ўзининг илк мустақил сукукларини чиқарди;

2013 йилда IIFM интербанк томонидан транзакциялар стандарти чиқарилди;

2013 йилда Буюк Британия Бош вазири Жаҳон исломий-иқтисодий форумида Лондон шаҳрини “Глобал исломий молиявий марказ” сифатида ривожлантириш тўғрисида баёнот берди ва ҳ.к.

Глобал исломий молиявий хизматлар бозорининг ривожланиш босқичлари ва тенденцияларини таҳлил қилиш асосида, кейинги йилларда мамлакатимиз амалиётида бу турдаги молиявий хизматлар кўрсатиш амалиётини, жумладан, ислом банкчилигини ривожлантиришга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортишига эришилади.